## Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1837-ҳадис

1837/5357 – عَنْ عُمَرَ رَضِيَ الله عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ صلى الله عليه وسلم كَانَ يَبِيعُ نَخْلَ بَنِي النَّضِيرِ، وَيَحْبِسُ لِأَهْلِهِ قُوتَ سَنَتِهِمْ.

1837.5357. Ибн Уяйнадан ривоят қилинади:

«Маъмар менга шундай деди: «Саврий менга: «Аҳли учун бир йиллик ёки бир йил-ярим йиллик озиқ-овқат жамғариб қўядиган киши ҳақида эшитганмисан?» деди. Эсимга келмади. Кейин бир ҳадисни эслаб қолдим. Ибн Шиҳоб Зуҳрий уни бизга Молик ибн Авсдан, у Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилиб, сўзлаб берган эди:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Бану Назирнинг хурмосини сотар ва ўз аҳлларига бир йиллик озиқ-овқатни ғамлаб қўяр эдилар».

---

Манба: hadis.islom.uz

HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI